

Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини суғориш учун қудукларни бурғилаш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 12-13 ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириклар ва кенгайтирилган тарзда ўtkazilgan 90-сонли йиғилиш баёнининг 33-банди топшириғи

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини суғориш учун қудукларни бурғилаш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибиға солинадиган маълумотлар

5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурух иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гурухлари – “Burg’ilash xizmati” МЧЖ;

давлат органлари гурухи – Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон ва томорқа ер эгалари кенгашининг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари – мавжуд эмас.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хуқуqlари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон ва томорқа ер эгалари кенгашининг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги “Маъмурий-хўжалик хизмати” давлат муассасаси муассислигига суғориш қудукларини бурғилаш ва ишга тушириш билан боғлиқ ишларга ихтисослашган “Burg’ilash xizmati” масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона ташкил этилишига розилик берилиши кўрсатилган.

6.2. Қарор лойиҳасининг 3-бандида “Burg’ilash xizmati” МЧЖ бурғилаш техникалари ва ускуналарини хорижий ташкилотлар ва уларнинг дилерлик корхоналаридан тендер танловларисиз тўғридан-тўғри шартнома асосида харид қилиш хуқуқига эга ҳисобланиши белгилаб қўйилмоқда.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ти Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши **таъқиқланиши** **кўрсатилган**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да **соғлом рақобат мухитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиши** кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат мухитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти **ПФ-6019-сонли Фармонининг 2-банди “6” кичик бандига** асосан 2020 йил 1 октябрдан бошлаб давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига (ташкил этишга ташаббус кўрсатишга) **йўл қўйилмаслиги** кўрсатилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қарор лойиҳасини амалдаги қонунчилик талабларига мослаштириш зарур ҳисобланади.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қарор лойиҳаси амалдаги қонунчилик талабларига зид эканлигини инобатга олиб, уни қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас ҳисобланади.